

## ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

Жумаева Шахло Суюновна

Иқтисодиёт ва педагогика университети НТМ катта ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ахборот хуружларидан муайян кучлар, марказлар томонидан ўз манфаатларини ғоявий ва мафқуравий жихатдан таъминлаш ва ғаразли мақсадларини амалга ошириш бугун бошқа давлатлар халқини, айниқса, ёшларни чалғитиши, уларнинг маънавияти ва ахлоқига ёт, ғайриинсоний ғоялар ва ахлоксиз турмуш тарзини сингдиришга йўналтирилган усул ва технологиялар таҳлил қилинади.

**Таянч сўзлар :** ахборот хавфсизлиги, ахборот эркинлиги, ахборот хуружлари, кибертерроризм миллий ва диний адоват, терроризм.

### ANNOTATION

This article analyzes the methods and technologies used by individual forces and centers to ensure their interests from an ideological and ideological point of view and to realize their malicious goals, to mislead the population of other countries, especially young people, to introduce inhumane ideas and immoral lifestyles that are alien to their spirituality and morality.

**Key words:** information security, svoboda informatsii, information attack, cyberterrorism, national and religious hatred, terrorism.

### Кириш

Жамиятда ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатларнинг кенгайиши билан бир қаторда, мамлакатимизда ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган янги ижтимоий муносабатлар — ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бирига айланди. Ахборот хавфсизлиги — дунё тақдирига дахлдор бўлган глобал масалалардан биридир. Ахборот олиш, уни ишлаш, сақлаш ва тарқатиш технологияси тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада тараққий этиб, компьютерларнинг сўнгги авлоди сонияда икки миллиардгача вазифани бажара олади. Бу эса ер юзининг хохлаган нуқтасидаги одам билан сониялар ичида учрашиш, муаммоларни хал қилиш ва ахборот тарқатиш, олиш имконини бермоқда.

Ҳўш, ахборот хавфсизлиги нима? Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ “субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият соҳаси — ахборот соҳасидир”<sup>[1]</sup>, ҳамда “ахборотни муҳофаза этиш — ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва

уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари”[\[2\]](#).

### Адабиётлар таҳлили ва методология

Америка хавфсизлик ва разведка институти илмий ходими Бэрри Колин томонидан илмий таомилга киритилган “Кибертероризм” атамаси бугунги кунда амалдаги ахборот хуружини ифода этувчи тушунчага айланди.

Компьютер усталари – хакерлар томонидан дунё банкларидан миллионлаб пулларнинг ўғирланиши янгилик бўлмай қолди. Орқасида маълум кучлар, хомийлари бўлган хакерлар бугун бутун бошли мамлакатлар харбий, мудофаа ва хавфсизлик хизматлари компьютер тизимиға кириб бораётгани, хужумлар уюштираётгани хавфли тус олмоқда. Мамлакатлар махфий маълумотларининг ёвуз кучлар қўлига тушиб қолиши нима оқибатларга олиб келишини айтмаса ҳам бўлади. Ахборот хуружлари туфайли мамлакатлар миллиардлаб маблағларини йўқотишмокда.

Ахборот хуружларидан муайян кучлар, марказлар томонидан ўз манфаатларини ғоявий ва мафкуравий жихатдан таъминлаш ва ғаразли мақсадларини амалга ошириш бугун бошқа давлатлар халқини, айниқса, ёшларни чалғитиш, уларнинг маънавияти ва ахлоқига ёт, ғайриинсоний ғоялар ва ахлоксиз турмуш тарзини сингдиришга йўналтирилган усул ва технологиялар қўлланилмоқда.

Бугунги кунга келиб, баъзи Ғарб мамлакатларида маънавий бузғунчилик, наркомания, никохсиз турмуш, оммавий беҳаёликлар, рок музика ва клипларда, фильмларда, турли ахборот воситаларида кенг тарғиб қилинмоқдаки, ахборот хуружлари глобал ахамият касб этаётган ва “чегарасизлик” шароитида ушбу жараён тобора чукурлашиб, даҳшатли тус олмоқда.

### Натижалар

Ахборот хавфсизлиги биргина давлат билан боғлиқ муаммо эмас. Аксинча, у глобал хусусиятга эга. Масалан, бирор мамлакатда ишсизлик авж олса, янги иш ўринлари яратиш, корхоналар очиш билан бошқа давлатларнинг иштирокисиз ҳам уни бартараф этиш мумкин. Бироқ “кўпга келган тўй” — ахборот хавфсизлиги масаласини халқаро ҳамжамият ёрдами ва иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди. Мазкур муаммога иккинчи даражали масала сифатида қараш яхши оқибатларга олиб келмайди. Аксарият олимлар неча ўн йиллар давомида дунёни зир титратган собиқ Совет Иттифоқининг парчалани кетишига ҳам айнан ахборот майдонида кечган жанглар сабабдир, дея эътироф этишади. Маълумки, коммунистик партия ҳукмронлиги даврида сохта ғояларни тарғиб-ташвиқ этиш, шу йўл билан омма онгини чалғитишга зўр берилган. Ўзини доҳий санаган партия етакчилари ахборот курашининг муҳим шарти — халққа холис ва ҳаққоний ахборот беришни назарписанд этмаган, бу билан эса инсоннинг эркин ахборот олиш ҳуқукини поймол қилган эди. Ахборот урушининг асосий

тамойиллари эътиборга олинмагани СССРга қарши мафкуравий кураш олиб бораётган Ғарб учун айни муддао бўлди. Аслида Ғарб мамлакатлари ҳам ахборот курашида у қадар кучли тактикага эга бўлмаган. Уларга партия пешволари томонидан алданган совет халқи эркин сўз эшишишга ташна экани бафоят қўл келди. Бирёклама мақтов ва уйдирмалардан зада бўлган аҳоли Гарбнинг молиявий қўмагида ташкил этилган оммавий ахборот воситалари тарқатган танқидий хабарларни мутлақ ҳақиқат ўлароқ қабул қилди. Шу тариқа омма онгига кучли руҳий таъсир қўрсатилди. "Бахтлар водийси"да яшаган халқнинг фикр-қарашлари ўзгарди. Кейинроққа бориб эса дунё харитасидан "СССР" деган давлат йўқ бўлди.

Албатта, ахборот майдонида кечадиган кураш усууллари бугун ўзгарган. Агар дунё икки қутбдан иборат бўлган даврда телевидение асосий мафкуравий таъсир воситаси саналган бўлса, янги юз йилликда Интернет муҳим ахборот қуролига айланди. Гоявий полигонларда кечётган шафқатсиз кураш Интернет саҳифаларига кўчди. Хозирги вақтда жаҳон саноатида трансмиллий корпорацияларнинг мавқеи кескин ошгани кузатиляпти. Таҳлилларга қараганда, бугун беш юзта трансмиллий корпорация дунё миқёсидаги ташқи савдонинг 65 фоизи, янги ихтиrolар учун олинаётган патентлар ва лицензияларнинг 80 фоизига эгалик қилмокда.

### МУҲОКАМА

Бу холат яъни ривожланаётган давлатларнинг техник жиҳатдан ортда қолаётгани, кескин фарқланиши муаммони янада чукурлаштиримоқда. Хавотирли томони, асосан ёшлар онгини забт этиш учун кечётган бир пайтда

мафкуравий курашларда бомбалар, қирувчи самолётлардан ҳам кўра хатарлироқ қурол — ахборот ишга солинмоқда. Мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топган Ўзбекистон учун ҳам ахборот хавфсизлиги муаммоси бегона эмас.

Ахборот хавфсизлиги жамият ва давлатанинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминланиши муҳимдир. “Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

-демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

-қонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир қўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

-жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

-миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга

қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш”[\[3\]](#).

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қўйидаги йўллар билан таъминланади:

-ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

-давлат сирларини саклаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланишидан муҳофаза қилиш;

-Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, худудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлathiшга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очиқдан-очиқ даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

-урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган, терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш”[\[4\]](#).

Халқаро майдонда кечеётган мафкуравий курашларни таҳлил этиб айтиш мумкинки, ахборот қуролларини қўллаш стратегияси фақат хужумкор табиатга эга. Боз устига, курашнинг қўққисдан, огоҳлантиришсиз бошланиши ва кўпинча яширин тарзда давом этиши ҳар сония ҳушёр бўлишга ундейди. Масаланинг яна бир чигал томони шуки, уммон сувини тўғон билан тўсиб бўлмагани каби дунё миқёсида тарқатилаётган ахборот оқимини ҳам чекловлар билан тўхтатишнинг иложи йўқ. Хўш, ана шундай шиддатли кураш шароитида миллий барқарорликни мустаҳкамлаш, ахборот хавфсиз-лигини таъмин этиш учун нима қилиш керак? Мафкуравий муҳорабалар чоғида халоскор куч сифатида нимага таянса бўлади?

Цивилизация тарихини мана бундай ифодалаш мумкин: "Қанча кўп билсанг, шунча қудратлисан", деб ёзади француз адиби Эдмунт Абу. Дарҳақиқат, дунё ахборот майдонида кечеётган шафқатсиз курашлардан омон чиқиши, миллатнинг ўзлигини сақлаб қолиш, халқаро миқёсда мамлакат нуфузини мустаҳкам тутиш учун кучли билим, юксак интеллектуал салоҳият зарур. Агар миллат ёшлари қанча кўп билимга эга бўлса, ташқи хатарлардан хавотирланмаса ҳам бўлади. Юксак билим бунёдкор ва халоскор куч ўлароқ миллатни ёргуғ келажакка етаклайди.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда ахборот хуружлари авж олаётган шароитда халқимиз, ёшларимизни мафкуравий хуружлардан химоя қилиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур. Уларни кучли, билимли, интеллектуал салоҳиятли, замонавий ахборот технологияларини бошқарадиган, ундан самарали фойдалана оладиган қилиб тарбиялаш лозим.

Глобаллашув жараёнида, ахборот хуружи шароитидаги муҳим муаммолар: яъни ахборот хуружи тобора авж олиб бораётган, якка тартибда хар бир фуқаро онгига кучли таъсир ўтказаётган, кенг миқёсда олганда, жамият тараққиётида ва миллат тақдирини ҳал қилишга қодир бўлган, глобал миқёсда эса бутун инсоният хаётини кафолатлайдиган, унинг тараққиёти ёки таназзулини белгилайдиган тифиз ахборот тизимини бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Sherozovich, M. B. (2024). DEVELOPMENT OF HEAVY INDUSTRIES IN THE SOUTHERN PROVINCE OF UZBEKISTAN: HISTORICAL ANALYSIS AND CONSEQUENCES (1930-1960). *Modern education and development*, 16(5), 267-277.
2. Маматкулов, Б. (2024). Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarida yengil sanoat tarmoqlarining rivojlanishi, kadrlar tarkibini shakllantirish jarayonlari (1925-1950-yy). *Общество и инновации*, 5(5), 211-218.
3. Sherozovich, M. B. (2024). INDUSTRIAL MEASURES IN UZBEKISTAN 1925-1954 AND THEIR RESULTS (in the case of Kashkadarya and Surkhandarya regions). *World scientific research journal*, 24(1), 195-200.
4. Sherozovich, M. B. (2024). CONFLICT SITUATIONS IN THE PROCESS OF TRAINING INDUSTRY PERSONNEL IN SURKHANDARYA AND KASHKADARYA REGIONS: HISTORICAL ANALYSIS AND RESULTS (1925-1950). *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 39(5), 221-225.
5. Baymanovna, A. R. (2024). Uzbekistan-India: Development of Economic Cooperation. *Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education* (2994-9521), 2(5), 594-598.
6. Baymanovna, A. R., & Isxoq ogli, Q. M. (2024). О ‘ZBEKISTON BILAN HINDISTON’ О ‘RTASIDA IQTISODIY HAMKORLIKNING RIVOJLANISHI. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 15(3), 31-34.
7. BAYMANOVNA, A. R., & Eshqobil ogli, M. B. (2024). О ‘ZBEKISTON VA HINDISTON MAMLAKAT XALQLARINING SPORT SOHASIDAGI MUNOSABATLARI. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 15(3), 27-30.
8. Shonazarovich, Q. A., & Adilovna, B. G. (2024). OLTIN VOHA TEPALAR TILSIMI-TARIX KO ‘ZGUSIDA: Yangi O’zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o’rni va rivojlanish omillari. *Yangi O’zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o’rni va rivojlanish omillari*, 6(2), 86-94.

9. Shonazarovich, K. A. (2023). Development of the Craft Industry in the City of Karshi at the Beginning of the 19th-20th Centuries. *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 4(12), 135-138.
10. Shonazarovich, Q. A. (2024). IN 1925-1954, THE MEASURES FOR THE SPECIALIZATION OF UZBEKISTAN AS THE MAIN COTTON BASE OF THE USSR AND ITS CONSEQUENCES. *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(5), 67-71.
11. Shaxnoza, E. (2024). QASHQADARYO VILOYATIDA IJTIMOIY-GUMANITAR FANINING RIVOJLANISHIDA XOTIN-QIZLARNING O 'RNI. *Modern education and development*, 16(5), 216-226.
12. Elboyeva, S. B. (2022). МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК-ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 377-385.
13. Elboyeva, S. B. (2022). YOSHLARDA YUksAK MA'NAVIYATNI SHAKLLANTIRISHNING DOLZARBLIGI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 576-581.
14. Kuziyevich, E. U. (2023). SETTLEMENTS ASSOCIATED WITH THE "BATOSH" SEED IN THE GUZOR STATION OF THE EMIRATE OF BUKHARA IN THE LATE 19TH-EARLY 20TH CENTURIES. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 11(7), 116-119.
15. Ergashev, U. K. (2024). THE BUKHARA EMIRATE: A HISTORICAL OVERVIEW. *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(12), 131-135.
16. Ergashev, U. Q. (2024). IMPORTANT INFORMATION ABOUT THE HISTORY OF THE GUZOR KINGDOM OF THE BUKHARA EMIRATE (BASED ON THE EXAMPLE OF GULSHANI'S BOOK "THE HISTORY OF HUMOYUN"). *Western European Journal of Historical Events and Social Science*, 2(10), 74-79.
17. Esonova, N. (2024). О 'ZBEKISTONDA SANOAT RIVOJLANISHI TARIXINING MUSTAQILLIK DAVRIDA O 'RGANILISHI. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 56(2), 19-22.
18. Pulatovna, E. N. (2024). UZBEKISTAN'S PLACE IN INTERSTATE INDUSTRY AND TRADE EXHIBITIONS (1991-2021 YEARS). *International journal of artificial intelligence*, 4(07), 342-343.
19. Esanova, N. P. (2024). MAIN FACTORS OF TEXTILE INDUSTRY DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN (1991-2021 Years). *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(9), 5-13.
20. Ochilova, N. R. (2022, December). WAYS OF DEVELOPING THE ACTIVITY OF CULTURAL CENTERS. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS"* (Vol. 1, No. 4, pp. 34-41).
21. Ruzimuratovna, N. O. (2022). Book Reading-Young People as a Factor of Spiritual and Moral Growth. *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 3(11), 116-118.
22. Ochilova, N. (2023). SHaping the thinking of youths by promoting the idea of national recovery-national upgrade. *Development of pedagogical technologies in*

*modern sciences*, 2(10), 75-79.

23. Akbarovna, S. N. (2024). FIVE INITIATIVES AND ITS IMPLEMENTATION IN SECONDARY SCHOOLS. *Web of Discoveries: Journal of Analysis and Inventions*, 2(6), 11-12.
24. Sharapova, N. A. (2024). THE FACTORS OF ITS DEVELOPMENT AND INTRODUCING THE PROFESSION IN SECONDARY SCHOOLS. *European Science Methodical Journal*, 2(6), 68-72.
25. Akbarovna, S. N. (2024). PROBLEMS IN THE MATERIAL AND TECHNICAL BASE OF SECONDARY SCHOOLS OF THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN IN THE YEARS OF INDEPENDENCE AND THEIR SOLUTION. *Web of Teachers: Inderscience Research*, 2(3), 321-323.
26. Buriyevna, M. S., & Sherozovich, M. B. THE FACTOR OF ISLAM RELIGION FOR ENSURING PEACE AMONG CONFESSIONS (USING THE EXAMPLE UZBEKISTAN EXPERIENCE).
27. Murtazova, S. B. (2022). The Queens Are in the Hearts Forever!. *Miasto Przyszłości*, 23, 11-16.
28. Murtazova, S. B. (2021). VATAN HIMOYACHILARI YODI MANGU BARHAYOT!(Ikkinchı jahon urushida noma'lum ketgan bobom Begmatov Omon va Xaramjo 'ylik urush qatnashchilari haqida). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(4), 544-549.
29. Suyunovna, J. S. (2023). THE IMPORTANCE OF GENDER EQUALITY IN THE EDUCATION OF CHILDREN IN THE FAMILY. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(9), 114-117.
30. Suyunovna, J. S. (2021). MA'NAVIY YUKSALISH YO'LIDAGI TAHDIDLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH YO'LLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(3), 186-194.
31. Жумаева, И. С. (2023). Ахборот хавфсизлиги ва мафкуравий ҳимоя. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(5 SPECIAL), 286-290.
32. Sadullayevna, A. D. (2023). Young People-The Creators of New Uzbekistan. *The Peerian Journal*, 25, 11-16.
33. Akhmedova, D. S. (2023). SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE WITH A MODERN WORLDVIEW. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(11), 304-309.
34. Sadullayevna, A. D. SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE WITH A MODERN WORLDVIEW.